

HUQUQ

#42

(409)

YURIDIK GAZETA

Oktabr

D.	31	3	10	17	24
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Пахтакорларимизнинг улкан ғалабаси

Тарихда илк мартаба октябр ойининг биринчи ярмида белгиланган юксак марра — 3 миллион 600 минг тонналик хирмон яратилди



...шу муқаддас диёримизда яшаётган одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалиб, ҳаётиимизда рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга ўзини бевоқифа дахлдор деб ҳис қилиш, бу — менинг юртим, бу — менинг Ватаним ва унинг ютуқлари — менинг ютуғим, деган фикр билан яшаш ҳисси, фуқаролик туйғуси кучайиб бораётганини бугун қўлга киритаётган марраларимизнинг пойдевори деб қабул қилишимиз даркор.

Президент Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриғидан



ETIROF

Мамлакатимизда пахта тайёрлаш бўйича йиллик режанинг бажарилганлиги ҳаммамиз учун чинакам байрамга айланди. Йил бўйи меҳнат қилган деҳқонларимизнинг юзи ёруғ бўлди. Юрт хирмонида Республика прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси бор.

БИЗНИНГ ҲАМ УЛУШИМИЗ БОР

Прокуратура органлари президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигида исоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширди.

Прокуратуранинг янги ташкил қилинган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш орқали фуқаролар, жамият ва давлат манфаатини ҳимоялашга қаратилган чораларни кўриб келмоқда. Асосий эътибор пахта ва ғалла экиладиган ерлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, техника, минерал ўғит ва ёнилғидан ҳўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш, фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Айниқса, пахтачиликка берилган эътибор самарасини берди. Прокуратура органларининг бевоқифа аралашуви билан ҳўкумат қарорига тасдиқланган 1.362.300 гектар ерга тўлиқ чигит экилиши таъминланди. Бундан ташқари, пахтанинг ўғирланиши, қонунга зид ҳолда хонадонларда сақланиши, четта олиб чиқиш кетилиши ҳамда пахтазорларнинг пайхон қилинишига йўл қўймайлик юзасидан маълум ишлар қилинди.

Йигим-терим мавсумда ҳўқуқбузарлардан олинган 11.400 тоннадан зиёд пахта тайёрлов корхоналарига топширилиб, 36,9 млн. сўмлик зарар ундирилган.

Ўтган даврда 445 та паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкатлар негизда 24 мингдан ортқ фермер ҳўжалиги ва уларга хизмат кўрсатувчи 1886 та инфратузилма ташкил этилди.

Фермер ҳўжаликларига ер ажратиш бўйича комиссия ва туман ҳўкимларининг 523 та ноконуний қарорини протест берилди, қонунбузарликларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган идораларга 462 та тақдирнома киритилди.

2005 йилнинг ўтган даврида 529 та фермер ҳамда деҳқон ҳўжалигини рўйхатдан ўтказиш ва банкларда ҳисоб-рақами очиб берилишига кўмаклашилди. Шу вақт мобайнида прокуратура органлари ўтказган текширишларда қишлоқ ҳўжалигига ажратилган 415 тонна минерал ўғит, 94 тонна ёнилғи ҳамда 1,5 млрд. сўмлик техника ва эхтиёт қисмлар талон-тарож қилинганлиги аниқланган.

Бир сўз билан айтганда, ходимларимиз чигитни экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда деҳқонлар билан бир сафда бўлишди. Демак, юртининг улкан хирмонида бизнинг ҳам улушимиз борлигидан гурунланасан арзийди.

Б.ХОЛМИРЗАЕВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDIDA

«Инсон ҳўқуқлари ҳимоячилари» кимларни ҳимоя қилаяпти?

Андижон воқеаларини содир этишда асосий иштирокчилардан ҳисобланган 15 нафар айбланувчи устидан суд жараёни давом этмоқда. Шу кунгача барча судланувчилар ва жабрланувчиларнинг кўрсатмалари тинглаб бўлинди. Гувоҳлардан кўрсатмалар олиш ҳам ниҳоясига етмоқда.

Қўллаб-қувватлаш ҳамкасбларимиз, сиёсатчилар, ўзларини инсон ҳўқуқларининг ҳимоячилари дея даъво қилаётганлар Андижонда бўлиб ўтган воқеаларни гўёки «тинч аҳолини ўққа тутиш» дея баҳолаб, жаҳон жамоатчилигига жар солишди. Аммо шу бугунга қадар бунинг тасдиқловчи бирор-бир далил судга тақдим этилгани йўқ. Аксинча, судланувчилар, ўнлаб жабрланувчи ва гувоҳларнинг шу кунга қадар берган кўрсатмаларидан «Акромийлар» диний экстремистик ҳаракати қандай пайдо бўлгани, олиб борган фаолияти, қайси маблағ ҳисобига яшагани, мақса-

ди, Андижон воқеасининг уюштирилиши, содир этилган дахшатли жиноятлар, уларга бош-қош бўлган кимсалар маълум бўлмоқда.

Бундан хавотирга тушган террорчилик ҳаракатларининг ташаббускорлари, гўёки раҳбарлари жамоатчиликни жалғитиш мақсадида янги-янги ўйинларни ўйлаб топишмоқда. Сирлари очила бошлаган, ташвишга тушиб, дарҳол «улар қийноққа солинган, тазйиққа солинган» дея айбонанос солишди. Жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатма бера бошлагач, уларни «тайёрлашган» дея даъво қилишмоқда. Аммо юздан зиёд жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари судланувчиларнинг кўрсатмалари билан мантиқан тўғри келмаётганлигини масалага ҳолис ёндашган ҳар бир одам кўриб, англаб турибди.

Бир мушоҳада юрийтиб кўрайлик. Ҳўкумат кўчлари «тинч намоийш қилиб турган аҳолини ўққа тутиш»

га бирор сабаб бормиди? Ахир суд жараёнлари бошлангандан буён майдонда ҳеч қандай отишма бўлмаганлиги, ҳўкумат кўчлари бу ерга яқин йўламаганлиги гувоҳлар томонидан неча бор тақдорланди. Қолаверса, отишмани ким бошлаган, беғуноҳ одамларни ким гаровга олди, ҳарбийларни, ички ишлар ходимларини ким отиб ташлади, қамқоннадан ашаддий жиноятчиларни ким чиқариб юборди? Маънавият ўчоғи бўлган театрда ўт қўйган, фуқаролар ва идораларга тегишли бўлган машиналарни ёқиб юборган, вилоят ҳўкимлиги биносини эгаллаб олиб, вайрон қилган ким? Нега ўзларини «инсон ҳўқуқларининг ҳимоячиси» деб атаётганлар мана шу оддий ҳақиқатни кўриб кўрмасликка олишад?

Суд давом этмоқда. Ҳалвир сувдан кўтарилгач, бундай ноҳолис муносабат ҳам тегишли баҳосини олажак.

Азиз муштарийлар!

2006 йилда ҳам сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкам-лансин. Наشرларимизга обуна давом этаяпти.

«Huquq» ва «Qonun himoyasida» — сизнинг минбарингиздур.

Индексларимиз:
«Qonun himoyasida» - 832 «Huquq» - 231

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг Олмалик шаҳар филиали касса мудирин Зоя Ким ва бошқалар олдиндан келишиб, 2005 йилнинг август-сентябр ойларида 13 нафар фуқарога банк томонидан бериладиган «банк сертификатлари»ни қалбакилаштириб, 124.890 АҚШ долларини сотганликлари аниқланган.

Янгиарик туманидаги «Аваз Утар» ширкат ҳўжалиги бош ҳисобчиси Б.Раҳимов ва хазинабон Р.Матчановлар тил бириктиришиб, «Сапаев Курбонбой» ФХ раҳбари Ш.Сапаевдан фермер ҳўжалиги учун ажратилган ерларда тут қўчаларини экиш учун олган 1 млн. 255 минг сўмни ширкат ҳўжалиги хазинасига кириш қилмай, ўзлаштирилган. Улар Ш.Сапаевдан яна 100 минг сўм олишиб, ҳўжалик хазинасига кириш қилмаганлиги ва 200 минг сўм тўланди деб ҳўжатларни қалбакилаштиргани ҳамда солиқ солинадиган 1 млн. 255 минг сўмлик нақд пулларни яширганликлари маълум бўлди.

Бундан ташқари, 100 минг сўмлик 267 кг. олма ҳамда 499 минг сўмлик 1666 кг. гуруч топширилганлиги тўғрисида сохта ҳўжатлар тузиб, «Сапаев Курбонбой» ФХ номига 800 минг сўмлик мевали дарахт экиш учун урулук деб ҳўжат ёзиб берганликлари аниқланган.

Акционерлик тижорат Санаткорлиқбанкнинг Қўнғирот туман филиали касса мудирин А.Аймағамбетова ўз хизмат хонасида харидор М.Турдишевга 1700 АҚШ долларини 1 млн. 972 минг сўмга сотаётган вақтда ушланган.

Пахтабод туманида фуқаролар Ф.Мўминов, И.Қодиров, Ш.Отажонов ва И.Абдураззоқовлар махсус рухсатномасиз ўзларига тегишли бўлган иккита «ЛуАЗ» русумли автомашиналарда фуқаро Ф.Бозоровга тегишли бўлган фермер ҳўжалиги ҳудуди орқали Қирғизистонга 1600 литр нефть маҳсулотларини олиб ўтаётган вақтда ушланган.

Шўрчи туманидаги «Толли» ширкат ҳўжалигининг тафтиш комиссияси раиси Х.Холмуродов ҳўжаликнинг 3 млн. 567 минг сўмлик 35.675 кг. буғдойни оилавий пудратчиларга натура шаклида берилганлиги тўғрисида ҳўжатларини сохта-лаштириб, ҳўжалик ишчи хизматчилари манфаатига зарар етказганлиги аниқланди.

Наманган шаҳрида яшовчи А.Ахромов «Амирхон-ЛАЛ» МЧЖ ни ташкил этиб, «Ўзсаноткурлишбанк» Наманган минтақавий филиали ҳодими М. Ҳайдаров билан келишиб, банкдан олинган 1 млн. 783 минг сўмлик кредит ва фонзаларни қайтармаган. Текширишда М.Ҳайдаров олинган кредит маблағлари «Амирхон-ЛАЛ» МЧЖ томонидан мақсадли сарфланганлиги тўғрисида сохта далолатнома тузганлиги аниқланди.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

YUTUQLAR Tahlili

Ишласа бўлар экан

Бу ютққа ўзидан-ўзи эришилгани йўқ. Имкониятлар яхшилаб ўрганилиб, уни сафарбар эта олишнинг мақбул усуллари изланди.

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 12 августдаги «2005 йил пахта хом ашёсини ўз вақтида йилгиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимининг режасига кўра катта сафарбарлик ишлари бошлаб юборилди. Чунончи, теримда 8 та «Кейс» маркали пахта териш машинаси, 2743 та трактор, 3061 та тиркаманинг кун-у тун тўла қувват билан ишлаши таъминланди. Теримчилар учун 300 минг дона фартук, 2 минг дона самовар, 57 та автоторовози ва 1835 та хирмон жойи анча аввалдан ҳозирлаб қўйилганди.

Яна бир эътиборли томони шуки 103.400 гектар пахтазорни дефоляция қилиш 17 сентябрдаёқ тузгалланди.

Пахтани нобудгарчиликларсиз, ўз вақтида териш олиш, унинг сақланиши билан боғлиқ суиестеь-молчиликларнинг олдини олиш шахсан вилоят прокурори Акбар Азизовнинг зиммасида эди. Шунинг учун барча туманларда қонунчилик аҳволи қатъий назоратга

Ўзбекистон пахтакорларининг катта меҳнат ғалабасида самарқандликларнинг ҳам муносиб улуши бор. Улар уйган 248 минг тонналик хирмоннинг асосий қисми биринчи навларга сотилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, пахтакорларимизнинг мазкур ғалабасида ҳар бир самарқандликнинг, жумладан, қонун ҳимоячиларининг ҳам муносиб улуши бор.

олинди. Айниқса, пахтани ташинида узилишлар юз бермаслигига эришилди. Эҳтиёт қисм ва ёнилгининг зарурий захираси яратиб қўйилди. Прокуратура органлари ўтказиб турган текширувлар эса қонунбузарликларнинг вақтида олди олинишини таъминлади.

Иштихон туманида ҳар йили 32-33 минг атрофида теримчи пахта йиғим-теримда иштирок этади. Бирок, шундай бўлса-да, ҳар йили давлатга пахта сотиш режаси у ёки бу сабаб билан бажарилмай қолар эди. Бу йил эса теримчиларнинг манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада бугун ҳамманинг юзи ёруғ. Далаларда эса ҳамон ҳосил мўл.

Иш ҳақининг ҳар 5 кунда берилиш қатъий назорат қилинган ҳудудларда терим янада самарали бўлди дея оламиз. Бирок, теримнинг сўнгги кунларига келиб, баъзи ҳудудларда ҳақ тўлашни пайсалга солиш ҳолатлари ҳам кузатилаётти.

Тан олиб айтилган бўлса, пахтаниқизга муддатларда териш олиш режаси қанчалик кенг қамровли бўлмасин, аравани ҳамма ҳам баърава тортигани йўқ. Масалан, техник сафарбарлиқни олайлик. Мавсумга жалб қилинган 12 та «Кейс» машинасининг 4 таси, 3523 та трак-

торнинг 780 таси, 3302 та тиркаманинг 241 таси, 16 та кўрак чувиш машинасининг 10 таси носозлиги сабабли мавсумда иштирок этмади.

Пастдарғом туманида 51.490 нафар теримчи ва қўллаб ҳашарчилар тер тўкиб меҳнат қилаётти. Бирок, пахтачиликда ўзига хос ўрин тутувчи бу ҳудудда имкониятдан тўлагичга фойдаланилмапти. Туман прокурори Б.Умаровнинг баён этишича, «Истиклол» МТП ОТАЖда техникаларнинг сақланиши юзасидан ўтказилган текширишда 188.644 сўмлик эҳтиёт қисмлар талон-торож қилиб юборилгани аниқланган.

Пахта йиғим-терими Пахтачи туманида ҳам суст кетапти. Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан чора кўриш бўйича вилоят МТП бирлашмаси раиси О.Аҳадов оғохлангиларди.

Изчиллик билан иш олиб бориш ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин. Шундай экан, бу йил нималарга эришиб, нималарни бой бериб қўйганимизни таҳлил қилиш ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

Нурулла ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлими бошлиғи

TADDIR

ПАХТАЗОРДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Йил бўйи қилинган меҳнатнинг натижаси сарҳисоб қилинадиган кўз фаслида далаларда иш қизигандан қизийди. Айнан шу дамда деҳқонга кўмак, рағбат жуда асқотади. Шу сабабли туман прокуратураси ташаббуси билан пахтакорлар ҳузурида тадбир ўтказилди.

— Бу йилги ҳосилда бизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз, — дейди туман прокурори Дўстмурод Холбоев. — Деҳқонларимиз олдида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишда имкон қадар кўмак бердик.

Тумандаги Ф.Юнусов номли ширкатлар уюшмаси миришкорлари жорий йилда юқори натижаларга эришдилар. Ҳўжаликдаги пахтачиликка иктисослашган 32 та фермер ҳўжалигининг 14 тасида йиллик режа ортиғи билан уддаланди.

Пахтакорларнинг бу саъй-ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида Мирзаобод туман прокуратураси ажойиб ташаббус билан чиқди. Пахтакорлар учун махсус байрам тадбири уюштирилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариф Азизбоев уларнинг хизматига бўлди. Тадбирда бир қатор илғор фермер ҳўжалиги раҳбарлари ва теримчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Саъдулло ҲОШИМОВ,
Мирзаобод туман

PROKUROR YORDAM BERDI

ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

«Навоий қурилиш трести» масъулияти чекланган жамияти ишчиси У.Ҳақимов шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, 2004 йил апрелдан бундан, яъни бир йилдан ортиқ бўлган давр учун 1 миллион 200 минг сўмлик иш ҳақини ололмаётганлигини маълум қилган. Текширишда аризачининг даъвоси тасдиқланди. Шаҳар прокуратурасининг аралашуви билан ишчи У.Ҳақимовга беришмай келинган иш ҳақи тўланиши таъминланди.

«Навоий қурилиш трести» МЧЖ директори И.Раҳмоновга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Зокир БАҲНОЕВ,
Навоий шаҳар прокурорининг иш ўрганувчиси

PROKUROR NAZORATI

Бугунги кунда прокуратура фуқароларнинг энг яқин ҳимоячисига айланиб, уларнинг ташвиш-у муаммоларини ечишда қонуний ёрдам бермоқда. Шу сабабли, Шовот туман прокуратурасига берилган ариза, шикоят ва мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир оз ошган.

«Мен 1958 йилдан бундан Маҳтумқули номли ширкат ҳўжалигида ишлаб келиб, ҳозирги кунда пенсиядаман, — деб ёзди ўз аризасида Қ.Ражабов. — Унта фарзанд, саккизта келимин бор. Барчаси ишсиз. Мен ширкат ҳўжалиги раисининг рухсати билан 1,5 гектар ерга олма-ўрик дарахт қўчаларини эккан эдим. Қўчаларни ўз пулига сотиб олганман.

Шу боғни ўзимга сотиб олиш учун ширкат ҳўжалигида бўлаётган фермер ҳўжаликлари ташкил қилиш комиссиясига ариза берган эдим...».

Аммо қирқ йилга яқин кечани кеча, кундузни кундуз демай ширкат ҳўжалигида ишлаган, нафақага чиққан ҳам қараб ўтирмай боғ яратган отахоннинг ўзи яратган боғни ўз пулига сотиб олишга ботган кетма-кет аризаси жавобсиз қолаверган. Охир-оқибат отахон маслаҳат ва ёрдам сўраб прокуратурага мурожаат қилган.

Туман прокуратурасининг саъй-ҳаракати билан отахоннинг боғи унинг улига фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун ақратиб берилди. Шунингдек, ширкат ҳўжалигини қайта ташкил қилиш комиссияси раиси Р.Бобо-жоновга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Эзгуликнинг кечи йўқ

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо шу ерда бир савол туғилади. Прокуратурага мурожаат қилаётган фуқароларнинг муаммолари жойларнинг ўзидан, маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан ҳал қилинмас бўлмасми? Ахир камчиликлари бартараф қилиш, халқнинг оғирини енгил қилиш уларнинг зиммасидаги вазифа-ку?

Шовот туман ҳокимининг ўринбосари Б.Дўстметов фуқароларнинг мурожаатларини қонуний ҳал қилмай, қонунни бузганлиги учун маъмурий жазога тортилган бўлса-да, яна фуқароларнинг шикоят ва аризаларига панжа орасидан қараб келган.

Шовот туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Г.Ҳожиёв, «Шовот» ММТП раиси Х.Абдукаримовлар ҳам фуқароларнинг мурожаатларига бепарво қараганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Афсуски, айрим раҳбарларимиз замон ўзгарганлиги, одамларимизнинг онги, тафаккури шаклланилиши, ҳуқуқий билими, савияси ошиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга қодир эканликларини тушуниб етмаёттир.

Марсел АСХАДУЛЛИН,
Шовот туман прокурори

QILMISH-QIDIRMISH

Ўндан тўққизни УРИБ

Турбожон банкдан келтирган пулларнинг ҳисобкитобини қиларкан, пулнинг кам келаётган қисмини қандай тўлдириб йўлини изларди. Шу пайт мактаб директори қаҳриб қолди. Хазиначи ҳам шу ерда экан. Директор улардан маошининг тарқатилиши ҳақида сўради. Сўнг аста томоқ қирганча асл мақсадга кўчди.

— Энди гап бундай, укалар. Сиз, Турбожон «бир иш» қилингки, натижаси харажатиимизни қопласин. Бу ёқда ҳали комиссиялар ҳам бор...

Бошлиқнинг қозғога ўраб бюрган буйруғини бош ҳисобчи дарров илғади:

— Бўлди, тушундим, — деди у жонланиб. — Уч-тўрт ходимга рағбатлантириш тўғрисида сохта тўлов қайдномаси ёзсам, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам.

— Буниси сизнинг ишингиз. Шундай қилингки, иси чиқмасин.

Ҳисобчи бош иргаганча чиқиб кетди.

Когон тумани ХТБга қарашли 8-ўрта мактаб бош ҳисобчиси Туроб Турсунов ўз вазифасини суиестеь-мол қилиб, мактаб директори Йўлдош Ҳамроев ҳамда ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, хазиначи Қиёмиддин Сафаровлар билан тил бириктириб, 5.500.000 сўмлик маблағни талон-торож қилган.

Теким лўжа тешиб чиқди. Суд ҳукмига қара Т.Турсунов ва унинг шерикларига ЖКнинг тегишли бандига асосан жазо белгиланди.

Мактаб директори Й.Ҳамроев эса 3 йилга мансабдорлик билан боғлиқ бўлган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Улардан етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Насриддин НУРУЛЛАЕВ,
Когон туман прокурори

Моҳият

Халқ қошида

шармандаи

шармисор бўлган

бадном башара ерга,

халқ олдида

ҳурматга сазовор

бўлган чехра эса

элга боқади.

«Саодатномадан»



MAVZUGA QAYTIB

Ушбу мақола («Нуқуқ», 2005 йил 10 август) эълон қилинган дан кейин, «Роҳатой» хусусий фирмаси раҳбари Ж.Солиева ва унинг турмуш ўртоғи «Солижон ҳожи» фермер ҳўжалиги раҳбари М. Усмоновдан раддиномалар олдик. Тахририят бу хатларга жавобан муҳбир-муаллифнинг айрим изоҳларига мақола юзасидан расмий идоралардан олинган жавобларни илова қилиш билан чекланишни лозим топди.

Холис бўлиш журналистиканинг бош мезони эканлигини унутмаган ҳолда мақола тайёрлашда ўзига хос йўл танланган эди. «Муаллиф шикоятчиларнинг хатини айнан кўчирма ҳолатда келтиргани», — деб ёзар экан М.Усмонов журналист холис қолганлигини ўзи билмаган ҳолда эътироф этган. «Данғаралик супермен» мақоласи билан танишган киши бирор жойда журналистнинг айбловиға ёки таъкидига дуч келмайди. Мақолада фуқароларнинг, мутасаддиларнинг ва албатта М.Усмоновнинг фикрлари берилган. Бинобарин, М.Усмоновнинг журналистга қўйган айбловлари ўз-ўзидан йўққа чиқди. Масалан (айнан келтирмаман), «муҳбир Чодакилик кишилогига газ торттишга тускинлик қилганлигини, бунинг натижасида кишлоқ ахли киши билан совуқда қолганлигини баён қилган». Мақолада эса бу фикр «Фарғонагаз» корхонаси бош муҳандиси А. Саидов томонидан келтирилган. Дарвоқе, М.Усмонов беихтиёр ўз раддиясида бунга таъкидлаб қўйди: «...бош муҳандиси А. Саидов гўёки мен томонидан газ тақсимлагични куччиришга мажбур этилганлигини баён қилган».

Шунингдек, М.Усмоновнинг: «муҳбир бугунги кунда ижро ҳаракатлари тўхтатилганлигини баён этгану, нима сабабдан Ўзбекистон туманлараро суди узи сиртдан чиқарган ҳал қилув қарорини тўхтатилганлига эътибор бермаган», — деган эътирози ноўрин. Мақолада бу қуйидагича ифодаланган: «Лекин 2005 йилнинг 23 июн кунги фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судидан келган 674-хатга асосан ижро тўхтатилган. Чунки М.Усмонов суд бўлиб ўтгандан мутлақо беҳабар экан». Ҳақиқатан ҳам М.Усмонов билан учрашганимизда у бунга алоҳида таъкидлаган эди. Шунингдек, Қўқон туманлараро суд қарорларини ижро этиш

алоқаси йўқ, деган даъвои ёзади. Аслида эса: «1996 йилда турмуш ўртоғим билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқиллона сиёсатнинг самараси натижасида ва бозор муноса-

масига тегишли бўлиб, аслида фирма раҳбари М.Усмонов эмаслиги маълум бўлди) томонидан газ тармоғи автомашина бозорига ҳавф туғдириши мумкин деган фикрда бунга эътироз билдирган, лекин унга тегишли тушунтиришлар берилгач, газ тармоғини улаш ишлари 2004 йил ноябр ойида якунига етказилган.

2004 йилги қиш мавсумида Чодакилик маҳалласида яшовчи газ истеъмолчиси (исми аниқланмади) «Фарғонагаз» корхонаси Данғара туман филиалига келиб автомашина бозори олдида ўрнатилган маҳаллага газ тарқатувчи ГВС ағдарилиб ётганлигини ва гумони М.Усмоновдан эканлигини айтиб, ГВСни йўлнинг нариги бетига ўтказишни сўраган (аслида ўрнатилган ГВС ўз ўрнида бус-бутун турганлиги кўрилган).

«Фарғонагаз» корхонаси Данғара туман филиали томонидан лойиҳага ўзгартириш киритилган ва шундан сўнг ГВСни йўлнинг нарига бетига кўчириш ишлари бошланган. Лекин бу вақтда фуқаро М.Усмонов ГВСни кўчиришга қаршилик қилган ва монтажчи фирма томонидан ишлар якунига етказилмай қолдирилган.

Шунингдек, 2005 йил 25 август кунги Ўзбекистон туманлараро фуқаролик судида мазкур даъво аризани кўриш давомида келишувга асосан йўлнинг ўнг томонига кўчирилиши чала ҳолдаги ГВСни ўз жойига қайта монтажланиб, жорий йилнинг 26 август кунидан аҳолига газ етказиб берилган.

Н.Отакуловнинг сартарошхонасини газлаштириш олмаганлиги ва «Муҳандислик» хусусий корхонасига кетган электр токи узилганлиги фактлари қисман тасдиқланди ва мазкур ҳолатларни бартараф этиш

юзасидан туман ҳокимига тегишли топшириқ берилди.

Вилоят ҳокимининг 2004 йил 30 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан вилоят ички ишлар, солиқ ва прокуратура хузуридаги солиқ ва валютасида оид жиноятларга қарши кураш бошқармаларига «Роҳатой» ишлаб чиқариш фирмасига қарашли автомашина бозори фаолиятини тўхтатиш, қонунбузилишларга йўл қўйиб келган бозор мутасаддиларига нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларини қўллаш вазифаси топширилган. Вилоят ички ишлар, солиқ ва прокуратура хузуридаги солиқ ва валютасида оид жиноятларга қарши кураш бошқармаларининг мазкур қарор ижроси юзасидан берган ахборотларига асосан Данғара тумани ҳокимлигига тегишли тартибда бозор фаолиятини тўхтатиш тўғрисида тақдирномалар киритилган. Лекин Данғара тумани ҳокимлиги томонидан тегишли қарор қабул қилинмаганлиги сабабли автомашина бозори фаолияти тўхтатилгани йўқ. Мазкур масала юзасидан туман ҳокимига тегишли топшириқ берилди ва назоратда олинди.

Бунга илова тарзда Фарғона вилоят прокуратурасидан 2005 йил 29 августда жўнатилган хатдаги қуйидаги фикрларни келтиришимиз зарур:

«...Жавобгар «Роҳатой» хусусий фирмаси раҳбари М.Усмонов томонидан ишчи қайтадан кўриш ҳақида судга киритилган илтимосномага асосан судья С.Усмонов томонидан 24.06.2005 йилда ижро ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарилган ҳамда ушбу ажрим суд ижрочиларининг Қўқон шаҳар суди юрда бўлинимасига тақдим этилганлиги сабабли ижро ҳаракатлари тўхтатилган. Ҳозирда ушбу фуқаролик иши қайта кўриш жараёнида бўлиб, ушбу ҳолат юзасидан суд ҳамда ижро натижалари ҳақида келгусида сизга қўшимча равишда хабар қилиниши ҳақида маълум қилинади».

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ, «Нуқуқ» муҳбири

«Данғаралик супермен»

Бўлимиде бўлганимизда ҳам бунга ўзимиз амин бўлдик. Бошқа эътирозларга асос бўлувчи бирор-бир ҳужжатга дуч келмаганмиз. Айниқса, М.Усмоновнинг «Qonun himoyasida» бирлашган тахририятига ёзган шикоят хатида бу ҳолат аниқ эътироф этилган. Кўчирма келтирмаман:

«19.06.05 йил кунги Суд ижрочилари Қўқон шаҳар бўлими томонидан уйимга чақирув қоғози олганидан сўнг Ижро бўлимига бордим. Суд ижрочиси мени Ўзбекистон туманлараро фуқаролик ишлари судининг 12.05.05 й. кунги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорига кўра «ижро иши кузатиш тўғрисида»ги қарори билан таништирди. Мен қарордан бир нусха олиб тўғри судга бордим. Ҳеч нарсадан беҳабар бўлганлигим боис, тўғри ҳал қилув қарори қабул қилган судья Усмонов С.га уррашдим. Судья тўпланган иш материаллари билан танишишим учун ариза ёзишим кераклигини айтди. Мен эртаси кунги адвокатим билан танишдим, 26.06.05 кунги мен Усмонов Муроджон ва Усмонова Жўраҳонларнинг етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда қўрилишидан умуман беҳабар бўлганлигим сабабли қайта кўриб чиқиш тўғрисида Илтимоснома киритдим».

Кўришиб турибдики, суд қарорини тўхтатишга бошқа сабаб бўлмаган. Ж.Солиева ўз хатида «Роҳатой» фирмасининг М.Усмоновга

Хукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қамол топтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Келажакни кўзлаб қилинаётган бундай ишлар янада самарали бўлиши учун бугунги кунда қатор муаммоларни ҳал этишимиз керак. Ана шундай вазифалар қаторида ёшларнинг таълим-тарбияси, ҳуқуқий муҳофазаси туради.

Республика Бош прокуратураси томонидан ақли заиф, жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва бағлигини таъминлаш, таълим-тарбия бериш, соғлигини муҳофазаси қилиш мунтазам равишда ўрганиб боришмоқда.

2005 йил — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК УЙИ

Болаларнинг қолби нозик

Кейинги йилларда мамлакатимизда ногирон болаларга эътибор янада кучайтирилди. Махсус таълим мазмунига янгила ёндоиш, янги инновация технологияларни қўллаш, жаҳон таърибасини миллий таълим тизимига мослаштирилган ҳолда жорий қилиш мақсадига Халқ таълими вазирлиги «Имконияти чекланган болалар ва ўқувчилар учун инклюзив таълим тўғрисидаги муваққат низоми»ни қабул қилган.

Ногирон болаларнинг таълим олишга бўлган ҳужуқларини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Республика бўйича 18 ёшгача 125.889 нафар ногирон бола бўлиб, улардан 47.475 нафари умумтаълим мактабларида, 14.586 нафари махсус мактаб-интернатларда, 10.830 нафари яқка тартибда уйда таълим олмақда.

Мамлакатдаги 28 та меҳрибон-

лик уйи, 85 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, аксарият ички ишлар идоралари хузуридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ҳоимийлик маблағлари ҳисобига таъмирланиб, замонавий ўқув қуроллари ва табибий ускуналар билан жиҳозланган.

Таълим соҳасига кейинги икки йилда 3 млрд. сўмга яқин чет эл гранти жалб қилиниб, унинг 70 фоизи ўқувчиларнинг малякасини ошириш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозларини ўрнатишга сарфланган.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси ташаббуси билан «Ижтимоий ноҳор болаларга қўмак беришнинг самарали шакллари» мавзусида халқаро форум ўтказилди.

Республика фанлар олимпиадасида голиб чиққан 6 нафар ногирон

бола олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлган.

Ногиронларни табибий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижро этилмоқда. Дастурга асосан ногирон болаларни касб танлашга йўналтириш, уларнинг қайта олишсини ташкил этиш тадбирлари амалга оширилди. Махсус мактабларда ўқийдиган болаларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнатга тайёргарлиги бўйича касблар рўйхати қайта қўриб чиқилди. Ногирон болаларни жамиятга мослаштирадиган махсус консултиватив марказлар ташкил этилмоқда.

Болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилганининг олдини олиш мақсадида Андижон, Бухоро, Наманган, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Нукус, Қарши ва Фарғона шаҳарларида скрининг мар-

казлари очилган. Туғруқ мажмуаларида скрининг текширувлари ўтказиб келинганлиги натижасида чақалоқлар орасида ногиронлик 12.367 нафарга камайган.

Республиканинг 24 туғруқ мажмуи UNICEFнинг болага нисбатан дўстона муносабат сертификатини олган.

Жорий йилдан бошлаб болалар ва аёллар ўртасида темир моддаси танқислигининг олдини олиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда 2005-2009 йилларга мўлжалланган уни фортификациялаш миллий дастурини амалга оширмоқда. Мазкур дастурини бажариш юзасидан 2,8 млн. АҚШ доллари миқдоридан грант ажратилди.

Мамлакат бўйича ногирон болаларнинг протез-ортопедия, ногирон-

лик аравачаси ва эшитиш мосламасига бўлган эҳтиёжнинг қондириш кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 50 фоизга ошган.

Ҳоимликлар хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳам ўрганилган масала бўйича қатор ишларни амалга оширишди. Бухоро вилоятида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда ҳоимийлар маблағи ҳисобига 3 нафар ногирон бола Германия шифохоналарида, 1 нафари эса Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги қўш микрохирургия марказида даволанган.

Тошкент шаҳрида «Болалар ижодиети уйи» замонавий усулда қурилиб фойдаланишга топширилди. Ногиронлар таълим олаётган 9-қасбхона коллежининг 24 ўқувчиси 1 млн. сўмлик қишқи кийимлар берилган.

Ногирон болаларнинг қалби нозик бўлади. Улар ҳам жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси экан, вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлаш, бу ишга масъул бўлган идоралар фаолиятини жонлантириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

Юлдуз МИРЗАЕВА, Республика Бош прокуратурасининг бўлим прокурори

21 октябр — Ўзбек тилига давлат



амжоларига бағиш-
а хорижий мамла-
тилган.
миттиришни олиб

Шундай қилиб, ўзбек адабий тили

Ўзбек тилининг давлат мақомига эришганини бугунги кунда ҳар бир фуқаро яхши билса-да, «Давлат тили туғрисида»ги қонуннинг моҳиятидан тўлиқ хабардор эмас. «Давлат тили туғрисида»ги қонун 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган бўлиб, 1995 йил 21 декабрда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Қонуннинг 2-моддасида: «Ўзбек тилига давлат тили мақомида эриштирилган республика

«Ниқуқ» муҳбири Гули
ҲОЖИБОЕВА суҳбатлашди

— Бу нияҳтда долзарб мавзу. Тилимиз жозибаси, ранг-баранглиги, жарангдорлиги ва сермазмунлиги билан ажралиб туради. Иккинчи томондан, оммавий ахборот восита-ларида айрим журналистлар тили-миз жозибасига пугур етказмаётга-нини инкор этолмаймиз. Она тилини жозибали қилиб, бузмай ёки бош-қа талқин қилмасдан ифода этиш-нинг ўзи ҳар бир кишининг олдида қўйилган катта вазифаси ҳисобла-нади. Тан олиш кераки, телевиде-ниё, радио ва матбуотда ғализ сўзлар

Янглишмасам, ҳозир мамлакатимизда 14 та нодавлат радиостанция мавжуд. Масалан, «Ўзбекистон тарониси», «Наврӯс», «Пойтахт», «Водий садоси» каби радиоларнинг мухлислари кўпроқ. Бу радиоканаллар эшиттиришлари 23-24 соат давомида олиб бормоқда. Албатта, радио ва телевидение каналларининг қўлиги жуда яхши. Ававало, танаши имкони кенгайди. Аммо уларнинг тил ҳосидасиди савияси анча паст. Баъзи каналларди берилаётган саволлар, телефон мулоқотлари ва ўйинлар баъкана бўлиб, эшитган одамнинг гашига тегади, холос. Турли, мен санаган баъкана саволлар, қўнгилочар дастурлар, маъносиз қўшиқлар ёшларга манзур

ԴԱՀՁ ԷՆԴԱՆՈՐ

Сўз бойлигимиз шунчалик қашоқки, буни тан олгимиз келмаса-да, ҳар гапимизда одат бўлиб қолган русча сўзни ишлайтиб юборамиз, русча сўзларни ғализ бир таразда таржима қилиб, ўз тилимизга тағйик этишга ҳаракат қиламиз. Аслида шў сўзлар ўрнида ишлатиладиган ғўзал ва бетакор ибораларимиз бор, лекин улардан бебахрамиз. Шўнинг учўн олимларимиз, тилишўносларимизнинг олдида истеъмолдан чикиб қолган, тушуниш қийин бўлган сўзларни оммабор ҳолда истеъмолга қайта киритишдаи мўхим вазифалар турибди. Тўғри, бундан ўн йилча аввал «Фан» наشريётида икки томлик «Ўзбек тилининг изохли лўғати» чоп қилинган эди. Афсўски, бу лўғат жуда сазеликки, шў маънолариниғ аниқ ифода-сини беролмаганилиғ сабабли талаб қилинган нати-

«Тасвирий ойна» деб аталадиган идоранинг шахар кўчаларига отнинг калласидан қўлиб илб қўйган рекламаларини кўриб йиғлашни ҳам, қулишни ҳам билмайсан. Бир қарасанг, чиройли бир кизнинг суратини қўйиб, тагига «Унинг территорияси катта» деб ёзиб қўйишди, бир қарасанг «Бу ҳали ҳаммаси эмас», яна бир қарасанг, «Попрубуў» деган ёзувлар пайдо бўлди. Ҳа! «Тасвирий ойна» деган идорада бирорта саводли мутахассис бормикан деган фикр пайдо бўлади кишида. Ҳуллас, гап кўп-у, кўмир оз. Истаимизки, тилимизнинг софлигини сақлайлик, шундай катта луғат бойлигига эга тилимизга муносиб бўлайлик.

И. ЙЎЛДОШЕВ,
хукукшунос



Элга эътиборсиз

тили мақоми берилган кун



Инсон ўзини, ўзлигини тил ва тафаккур орқали намоён этади. Жамиятдаги ўрни, вазифаси ва асил моҳияти бўйича тил умумбашарий ҳодисадир. Бугунги дунё микёсидаги глобаллашув жараёналари жадаллашган паллада тил аҳамияти молик масала сифатида қадрланади. Чунки бозор муносабатлари шароитида иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, ҳуллаб барча жабҳаларда мамлакатлар ва минтакалар ўртасидаги мулоқот кўприги тилдир.

БИР СЎЗИДА ЮЗ ТАЛҚИН ОНА ТИЛИМ, САЙҚАЛ ТОП

Тил билган эл билади. Эътибор қилган бўлсангиз, кейинги пайтларда аксарият ота-оналар репетиторга бериб бўлса-да, фарзандининг инглиз тилини мукаммал ўрганишига иштиёқманд. Албатта, шоир Аваз Утар ёзганидек:

**Ҳар тилин билув эмди бани одами жондир,
Тил восити рабобати оламоёндир.**

Тилдан самарали фойдаланиш илм-фан, техника, информатика соҳаларида мумкин бўлган ҳар қандай имкониятни қўлдан кечириб, она тилида дудукланган ёшлар ҳам учраб туриши ачинарлигина эмас, балки ташвишли ҳамдир. Яқинда таҳририятимизга иш сўраб келган бир йигит Америкада ўқиб келгани, инглиз тилида раво сўзлаша олишини она тилида тутилиб-тутилиб ўқитаркан, хаёлимдан бир ўй кечди. Ўз тилини шунчалар тез унутган бу йигит миллий гуруҳ, миллат шаъни деган буюк ва муқаддас тушунчаларни қандай англаб етди? У юрт раънақи, миллатдошлари ташвишига шерик бўла оладими? Мана, гап қаерда? Уйлайманки, барча тилларнинг сиёсий, ҳуқуқий тенглиги шунчаки қуруқ гап эмас, балки ҳақиқий тенгликка айлантирилиши учун фидойилик ҳар биримизнинг наинки инсонийлик, балки конституцион бурчимиз ҳамдир. Айтиш жоизки, миллий тилимизга давлат тили мақоми берилиши унинг ижтимоий маънасини ҳам оширади. Ўзбекистонда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун босқичма-босқич ижро этилмоқда. Аммо баъзан қонун талабларига эътиборсизлик ҳам кузатилади. Чунки, катта йўл ёқалари, айрим қорхоналарнинг пештоқларида, турли реклама таблоларидида ёзувларнинг имло хатолари билан ёзилиши, кўча, маҳалла ва гузарларнинг номларинида миллийликнинг эътибордан четда қолаётганлиги ўзбек тилининг қадриятларига олиб келмасмикан, деган истиҳолога борасан киши.

Ўзбекистон топонимик объектларига ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг 2005 йил 8 июндаги мажлисида Бухоро ва Когон шаҳарлари, Жондор, Когон ва Ромитан туманларида мазкур комиссиялар юзаси фаолият юритганлиги танқид қилинган эди. Шундан сўнг Бухоро вилояти ҳокими, вилоят топонимик комиссияси раиси С.Хусенов бошчилигида комиссия аъзолари, вилоят ҳокимлиги аппарати ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида бир неча тадбирлар ўтказилди. Йиғилишларда комиссиялар фаолияти Вазирид Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-қарори талаблари даражасида ташкил этилмаганлиги, бу борада ҳокимликларнинг алоҳида эътибори лозимлиги таъкидланди. Мавжуд ҳамчиликларни бартараф этиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилан олинд.

Албатта, ҳар қандай ҳаракат зое кетмайд. Бугунги кунда Когон шаҳридаги Мичурик, Некрасов, Кривономи Унлаб кўчалар «Гулобод», «Қончилар», «Бахт» деб номланди. Бухоро шаҳридаги «Ҳосил», Маршал Жуков номли қизил империяни эслатувчи кўча ва маҳаллалар «Турон», «Шахристон», «Мустанжиллик» номларини олди.

Не-не даҳолари лол қолдирган ўзбек тилини француз, инглиз, немис болалари ҳам ўрганадиган замонлар келди. Бир сўзид аёз талқин, минг маъно муқассам ўзбек тили ҳар юракда янги ранг, янгича жило топиб сайқалланаверади.

Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг ибораси билан айтганда:

**Майли, ким қил тилдан шавқу завқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилин агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.**

Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Меҳмонга келган дўстим: «Би-и-р айлантирмайсаними пойтахтни, ошна, ҳар сафар уйингдан қайтаёлман», — деб қолди.

Начора, меҳмон отангдай улуг дейдилар, яна озроқ харажат тортасак тортибмиз-да. Меҳмонимни аввал эски шаҳарга бошладим. Дўстим бу ердаги бунёдкорликдан ҳайратини яшира олмас, унга қўшилиб камини ҳам гўё бу кўркем иншоотлар тарҳини чизган муҳандисдай, камини ана шу иморатлар гиштини терган қурувчидай фахрланаман дег. Сўнг талабалик даврдан қадрдон бўлиб қолган кўчаларни кездик. Пойтахтнинг машҳур сайилгоҳида дўстимдан «Тошкентга саяҳат» таассуротларини сўрайман.

— Зўр, — дейди у, — фақат қайси шаҳарда юрганим эсдан чиқиб қола-япти.

октябридаёқ мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Конституциямизнинг 4-моддаси-

**Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин
курсатадиргон ойинан ҳаёти унинг тили ва
адабиётидир.**

Абдулла АВЛОНИЙ

Ўзбекнинг энг катта бойлиги

— Тушунмадим...

— Манавиларни айтаман-да, — деди у олачалоқ пешлавларга ишора қилиб. — Олдинлари бу даражада эмас эди-ёв. Бизнинг шаҳарда кўпчилик ўзбекча гапирмасам, бунақа ёзувларнинг кўпи ўзбекча.

— Нега ундай дейсан, биздаям бор ўзбекча ёзувлар, — дея эътироз билдириб, атрофдан сўзимга исбот қидирдим. Анчақидирдим... Қўравериб кўзларим ўрганиб қолган эканми ёки эътибор бермаганманми, тўрт тарафда катта-катта (*Ўқовдай* деган ташбеҳнинг кучи етмади) ҳарфлар билан ёзилган ажнайиб пешлавлар. Индамай қўя қолмадим:

— Ҳа энди, бу пойтахт, чет элдан меҳмон кўп келади.

— Меҳмонлар Ўзбекистонда эмас, ўз уйида юргандай бўлади дейсан-да? Эътиборинг учун Тошкентдан ҳам бизнинг шаҳарга кўп келади ўша чет элликлар.

— Мен шундай ёзилгани яхши демадим-ку!

— Ўрнида бўлсам, фельетон дейиларми, шунақадан ёзиб бошлаб танқид қилардим. Бўмапти-да бу аҳвол!

— Ёзганимиз, ёзишгапти...

Унга тилимизга муносабат ҳақида ҳаммасларимизнинг қўноқчилиги билан ёзаётган мақолалари самарасиз қолаётгани ҳақида гапиргим келди. Лекин унга қайтиб борғач, устоз ҳамкасбимнинг ўзим ишлайдиган журналда чоп этилган мақоласини курсатишни мўлжаллаб, индамай қўя қолдим.

— Ёзавериш керак, танқид қилиш керак... — деди дўстим негадир иддао билан.

Метрога тушдик. Дўстим бунга нима дейсан дегандай ёзувларга ишора қилди. Фаҳим келгандай: «Меҳмонимсан, томошангни қилиб кетаверсанг-чи», — дедим. Қулишдик.

Вагонга чиқганимизда ундаги рекламаларни эринмай ўқиб чиқа бошладим. Сезиб турибман, битта вагонда неча реклама боп-у, нечаси ўзбекча эканини санаяпти.

— Тахминан беш фоизи ўзбекча, ҳарқалай, бор экан. Айтгандай, ҳалиям давлат тили ўзбек тилими?

— Шунинг билмай қолдингми, — дедим хўмрайиб.

— Энди биз пойтахтдан узоқдаги одамлар-да.

Яна қулишдик, лекин кўнгли ёришмади.

Утган асрда, ҳали СССР буткул барҳам топмаган 1989 йилнинг 21

да: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», — деб белгилан қўйилган.

Гап ТВ, радио, газета-журналларга ҳам қаноат қилмай, жамоат транспортлари, турли-туман пештоқ ва деворларни забт этиб улгурган реклама ҳақида бораётганда, давлат тили ҳақида, тўғриси, бир нарсаси дейиш қийин. Чунки «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилди», — дейилган.

Реклама — бозор қонуни. Унга эътироз ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Фақат реклама берувчиларнинг кўпчилиги рекламани давлат тилида беришни хоҳламагани кишини ўйлантиради. Эҳтимол, қонуннинг ана шу моддаси устидан яна бироз ўйлаб кўриш керакдир.

Конституциямизнинг 15-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинад», — дейилган. Демак, республиканинг ҳамма жойида «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга ҳам риоя этилиши шарт. Бу ҳатто ер ости — метрога ҳам тегишли. Ходимларнинг аксарияти давлат тилини мулқлақ (!) билмайдиган метрополитен раҳбарияти, ўйлайманки, буни жуда яхши тушунади.

Бугунги ўзбек адабий тили асақал-қўзбекча ҳам, ҳазораслиқ ўзбекча ҳам бирдай тушунарли. Қолаверса, ўзини ўзбек санаган сайрамлик ҳам, афғонистонлик ҳам, тошхонвузлик ҳам адабий тилимизни бирдай тушунади. Шундай экан, бугун ОАВ билан матбуотимизга сингиб бораётган шевара хошлиқни қандай тушуниш керак? Ё адабий тил меъёрларига риоя қилинадиган даврлар ўтиб кетдики? ТВ ва радиодан баъзида шундай сўзлари, жумлаларни эшитиб қоламизки, улар адабий тилининг қайси меъёрига мос келишини билиш мақол. Биргина мисол: «*хоналарида-лар*». Нимани тушунадигиз? Менимча, бунақа бир ўзбек бошқа бир ўзбекча сизлаб гапириб талаб этилган бир шахснинг, дейлик ота ёки онанинг ўз хонасида эканлигини маълум қилмоқчи. Гўё «отам хонасида» ёки «онам хонасида» дейилса, ҳурматсизлик бўладигандай. Ваҳоланки, ўзбек адабий тилидаги «лар» қўшимчаси кўпчилик билдиради. Ачинарлиси, бу каби ҳолатлар матбуотимизда ҳам

кузатилмоқда. Қараб чиқдим, адабиётимиз дурдоналари, ҳатто Тошкент адабий муҳити намояндаларининг асарларида ҳам бундай ҳолат кузатилмайд.

Тилимиздаги «х» ва «һ» (лотин ёзувида «х» ва «һ») иштирок этган сўзларнинг ёзилишидаги чалқашликлар ҳақида ҳам ҳамкасбларимиз кўп гапиряпти. Бироқ катта-катта ҳарфлар билан, қанча меҳнат-у харажат қилиб туриб ҳам имло хато билан ёзилган («*halq banki*» каби) пешлава, шир ва реклама-лар ўзини саводли санаган кишиларнинг гашини келтиришда давом этмоқда. Ўшандай ёзувларни ўқиб туриб агар хатоси бўлмаса, хайрат-ланидиган ҳам бўлиб қолдик. Агар «х» билан «х» ёки «һ» билан «һ» ўртасидаги фарқ тилимиз учун аҳамиятсиз бўлса, уларни имло қоидаларидан чиқариб ташлаш қолайлик.

Имло қоидаларига амал қилмаслик энди савод чикараётган ёш авлод саводхонлиги даражасига салбий таъсир қўрсатмай қолмайди.

Ифтихор билан айтиш мумкинки, бугун Марказий Осиё минтақасининг энг кўп аҳолиси ўзбек тилида сўзлашади. Бу нафақат ўзбек миллатининг нуфуси билан, балки бу тилининг мукамаллиги, гўзаллиги ва мулоқот учун қўлайлиги билан ҳам боғлиқ, албатта.

Шубҳасиз, миллатимизнинг энг катта бойлиги миллий тилимиздир. Миллий бойликка эътиборсизлик эса, юмшоқ қилиб айтганда, миллатга беҳурматликдан бошқа нарсаси эмас. Шундай экан, дўстим айтгандай, танқидий мақолаларини ёзавериш керак. Ёзгандаям, ушбу мақоладагидай бир ёки икки жиҳатнигина олиб эмас, кенг қамровли, чуқур таҳлилий чиқишлар қилиш керак. Устозлар айтгандай «топиб ёзиш» керак.

Дунё глобаллашиб, қурама маданиятлар шаклланаётган бир пайтда тилимизнинг софлигини сақлаб қола олиш миллат заифликларида жасорат ва фидойилик талаб этади. Тилимизни барча гўзаллиги ва мусаввофлиги билан келажак учун сақлаб билмас, уни янада бойитиб бора-сак, авлодлар олдида юзимиз ёруғ бўлади, худдики форсий ва арабий тил, адабиёт барқ уриб турган бир даврда тилимизни оқсакликка кўтарган ҳазрат Навоидан бизлар миннатдор бўлганимиз каби...

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Ниқуқ» муҳбири



SUD OCHERKI

Одамзод кўп ишларга қодир экан-да. Шу жумладан, фибрибгарликка ҳам. Бирам уруғи кўпайди буларнинг. Уларнинг бахтига содда одамлар ҳам кўп. Олдинги фибрибгарлар нари борса шайтонга дарс беришар эди, ҳозиргилари эса анча ўсишган-шайтонни эгарлаб минн-шади.

Биз сизга таништирмакчи (чув тушганлар яхши танишади) бўлган кимса унча-мунча фибрибгарлардан эмас, жуда «ноёб»ларидан. У ҳақдаги хикоямиздан огоҳ бўлгач, балки ҳайрату таажжубдан ёқангизни ушлаб қоларсиз.

Аввало «ноёб» нусханинг келиб чиқишини билиб олинг. Аброр Аҳмадуллоев, 1977 йил 22 апрелда Бешарик туманида туғилган. Урта махсус маълумотга эга. Оилали, битта фарзанди бор. Ҳеч қаерда ишламаган. Муҳаддам судланган.

Энди бу киисанинг «фаолияти» билан танишинг. Унинг «иш усули» жуда оддий. Мухим ишларни битиролмай юрганларни «овлайди». Шундайлардан бўлган Ш.Абдуллаевни бир таниши орқали топди. Олдин яхши гаплар билан унинг ичига кирди, табиятини ўрганди. Вазият пилишганда:

— Ака, сизга фойдадан бир тегсиз тегибди, — деди меҳрибонлик билан. — Виллоят МХХда ишлайман, нозик идора, ҳар кимга ҳамайтавермаймиз, фақат сизга айтаман. Тошкентда ҳам танишлар кўп. Бирорта хизмат бўлса, бемалол.

У Ш.Абдуллаевни қандай «хизмат» айтишини яхши билар эди. Кутганидек бўлиб чиқди.

— Раҳмат ука, — деди у худди Хизрга йўлиққандай суноиб. — Сизни учратганимдан бахтиёрман. Шу битта иш бор. Жиянигизни Тошкентдаги бир ўқитишга киритмоқчи эдик. Шунга пойтахтдан бир квартира тўғрилашнинг иложи бўлса, чиқимига тайёрман.

— Бўпти ака, сиз учун, жияним учун қиламан. Олдин Тошкентга бир бориб келай, натижасини сизга тезда етказаман, — деди МХХнинг сохта ходими.

Орадан кўп ўтмай, аниқроғи 2004 йил феврал ойи ўрталарида А.Аҳмадуллоев, Ш.Абдуллаевнинг эшигини тақиллатди. Кўчқолашиб кўришдилар.

— Иш битди, ака, — деди А.Аҳмадуллоев. — Тошкентнинг зўр жойидан битта квартирага гаплашиб, аниқ қилиб қўйдим. Энди тошкентликларнинг ўзингиз биласиз, қуруқча иш қилишмайди. Баҳоси арзон, 8.000.000 сўм.

Шунча пулни эшитиб Ш.Абдуллаев бошини қасийётган эди, А.Аҳмадуллоев ранжиган қиёфада:

— Ака катта одамларни ўртага солиб гаплашган эдим, бизнинг иш нозик, ҳижолат қилиб қўймаган, — деди. — Орқага ташлашингизни билганимда Тошкентга бориб овора бўлмасдим.

— Гап йўқ ака, ҳижолат қилиб қўймайман, — деди Ш.Абдуллаев. — Машинани сотиб бўлса ҳам пулни қилиб бераман. Бир икки кун сабр... — Майли сиз учун.

Ш.Абдуллаев эртасигаёқ «Нексия»-сини бозорга солиб, 8300 АҚШ долларига сотди. Шу кунёқ пулни А.Аҳмадуллоевга қўлиб қўлаб топширди.

А.Аҳмадуллоев долларларни чўнтагига жойлади.

— Ишингиз битди ҳисоб. Эртага Тошкентга!

Киракаш машинада «қайдасан Тошкент» деб йўлга тушишди. А.Аҳмадуллоев жиддий қиёфада, ҳамроҳларининг гапига фақат «ха» ёки

«йўқ», деб бош силкиб қўярди, холос. Ўзини тутиши чинакамига «нозик идора» ходимига ўхшар эди. Ёнида иши битишдан шодон бораётган Ш.Абдуллаев унинг хаёлида кечаётган, пишиб бораётган наватбадга режани билмас эди... Оҳангаронга етганларида машинани тўхтатишни буюрди:

— Йўқ, деб бош силкиб қўярди, холос.

— Гаплашган одамим шу ерда ишлайди, — деди ҳашаматли бинога ишора қилиб. — Сизлар машина билан нарироққа бориб туриңлар. Мен кириб чиқаман.

Ш. Абдуллаев чиндан ҳам унинг

рон туки қилт этмай. — Бизнинг ишда ҳазилини ёқтиришмайди. Йўқолган пулдан энди умид йўқ. Пул топинг!

Кўзи очилмаган, ҳали А.Аҳмадуллоевнинг сеҳри таъсирида бўлган Ш.Абдуллаев яна пул топди. Хотинига тегишли 2.000.000 сўмлик тилла тақинчоқларни олди, қариндош-уруғларидан 2000 АҚШ доллари йигди.

— Мана, топганим шу, — деди пулни А.Аҳмадуллоевнинг қўлига тутиб. Яна Тошкентга отланишди. Оҳангарондан ўтаётганларида Ш.Абдуллаев бир севсаниб қўйди. А.Аҳмадуллоевнинг кайфияти жойида эди. Машинани Тошкентдаги БМТ ваколатхонаси биноси олдида тўхтатишни буюрди. Тушаётди:

— Гаплашган одамим шу ерда ишлайди, — деди ҳашаматли бинога ишора қилиб. — Сизлар машина билан нарироққа бориб туриңлар. Мен кириб чиқаман.

Ш. Абдуллаев чиндан ҳам унинг

Г. Соҳибованинг иши жуда осон битди. А. Аҳмадуллоев уни киракаш «Нексия»-да Фаргона шаҳрига олиб келиб, ўзи виллоят ҳокимлиги биносига кириб чиққан бўлди. Кейин бирга ҳокимлик биноси ёнидаги кўп қаватли бинонинг олтинчи қаватига чиқишди.

— Сиз шу ерда тура туриң, — дея битта хонага кириб кетди.

— Ишингиз битди, — деди дарров қайтиб чиқиб. — Керакли одам шу ерда экан, кўп эмас юз доллар берсангиз бўлди. Ҳеч ким қўрмасин.

— Ҳозир ёнимда бунча пул йўқ, — деди муаммоси тез ечилиганидан шовилган аёл. — Етмиш минг сўм олиб келганман. Икки минггини йўлқирага олиб қўлиб, қолганини берай, жон ука.

— Бўпти, бера қолинг. Қолганини кейин гаплашамиз, — деди А. Аҳмадуллоев пулни олиб. Кейин яна виллоят ҳокимлиги биносига кириб чиққан

деди. Она фарзандининг тақдирини уйлаб рози бўлди.

— Гаплашган одамим 1000 доллар сўраган эди. Мен 800 га туширдим, — деди гапга «тўн» кийдириб.

— 500 минг сўмим бор, холос, — дейди она ёнидаги пулни узатаркан. А.Аҳмадуллоев эса пулни олиб, «қора бозор»дан 500 АҚШ долларига алмаштирди. Таниши Эркин ва она бечорада шубҳа туғилмаслиги учун 11-хисбона биносига кириб, ўша ерда долларларни икки чўнтагига жойлаб чиқади.

— Иш битди, — дейди у ташқарида ўзини қутиб турганларга. — Ўғлингиз суд залидан озод қилинадиган бўлди.

Товламачилиги билан яна бир фуқарони чув туширган А.Аҳмадуллоевнинг фибрибгарлик фаолияти тобора авж оlib боради. Жумладан Н.Мухаммадхоневга ҳали ўқиши тугамай туриб, «800 минг сўм эва-

Шайтонга дарс бермоқчи эди



бўлди. — Душанбадан дўконни очаварсиз, ҳеч ким сизга «инг» демайди, — деди у аёлнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдириб. Аёл алданганини душанбадан ўн кун ўтиб билди.

А. Аҳмадуллоевнинг маҳорати ва тажрибасини қарангки, фибрибгарлиги учун судланаётган кунни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди биносига ҳам товламачилик қилишнинг улдасидан чиқа олди.

Шу кун фукор М. Арслонова ўғлининг судига келган эди. Қизи Дилафруз, Эркин деган танишлари «МХХ ходими» билан гаплашиб турганлигини айтди. Жигарбанди қайғусинини кемириб турган онаилиг билан танишлари гаплашиб турган «МХХ ходими» олдиға борди. Уч-тўрт оғиз гап-сўздан кейин:

— Исми Улугбек, МХХ ходими-ман, — деб ўзини таништирди. У аёлнинг ўғли уч йилга «кесилиб» кетаётганини билиб олган эди. Астагина қўшиб қўйди: — Дадам Фаргона виллоят судининг раиси. Ҳозир даданинг ўринбосари келиб қўлиши керак.

Бу гапларни эшитган, айниқса судга иши тушиб турган ҳар қандай одам суд раисининг ўғлиға ёпишиб олиши турган гап. Она ҳам қўзида ёш билан А. Аҳмадуллоевдан фибрибгарлигини, энг қизиги иши суддалигини билмай ёрдам сўради.

— Маҳалла фуқаролар йиғинидан тавсифнома, маълумотнома, иш жойидан қафолат хати олиб бериңлар, кейин ўғлингизни қамокдан чиқариб беришим мумкин, — деди Аҳмадуллоев ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай.

Она Аҳмадуллоевни алқай-алқай ҳужжат тўплашга киришди. Орадан икки кун ўтиб А. Аҳмадуллоев ҳарбий кийимдаги бир кимса билан М. Арслонованикига келди.

— Шеригим, исми Хайдар, МХХда ишлайди, — деди ёнидаги кимсани таништириб. Йилгалган ҳужжатлар тайёр бўлса, ўғлингизни қамокдан чиқариб беради.

А. Аҳмадуллоев эртаси кун М. Арслонованинг ишхонасига борди.

— Сизни суд раисининг уйига олиб бераман, — дейди. — Келишиб қўйганман.

Олдин Қўқон шаҳридаги бир маҳалла, кейин 11-тергов хисбхонаси, шаҳар прокуратураси, МХХ биносига бориб, ўзини М. Арслонованинг ўғлини қамокдан чиқариш масаласини кимлар биландир гаплашиб, ҳал қилаётгандек кўрсатди. Кейин аёлга: — 800 доллар тайёрлаб қўйиң, —

зига МХХга хизматга киритиб қўяман» дейди. Аммо Н.Мухаммадхоневнинг отаси анойилардан эмас экан. Унинг ҳушёрлиги эвазига 800 минг сўм фибрибгарга етиб бормайди. Кейин А.Аҳмадуллоев Р.Тўйчиевга «ёрдам қўли»ни қўзади. Бу йилгитни судраб юриб, Қўқондаги чойхонада дангалига кўчади:

— 1500 доллар берсангиз, ишга кирдингиз ҳисоб.

— Мен пулга ишга кирмайман, — дейди ундан шубҳалана бошлаган Р.Тўйчиев.

— Бўпти, 1000 доллар берасиз. — Йўқ!

Р.Тўйчиев қатъий оёқ тираб туриб олади. Охири 500 долларга келишибади. Р.Тўйчиев унга ишониб-ишонмай 400 доллارни тутқазди. 2004 йил 21 май кун иккаласи Тошкентга жўнашди. А.Аҳмадуллоев Фуқрат туманидаги бир ҳашаматли уйни «меники» дейди. Гап орасида «дадам прокурор, қайнотам МХХ катталаридан» деб қўйди. «Чинобод» санаторийида бир кун дан олишгач, Р.Тўйчиевга «энди сиз кетаверинг, ўзим ишни битириб бора-ман» дейди. Бу гапдан кейин Р.Тўйчиев шубҳалана бошлади. Уйига қайтибқ акасига айтди. Акаси билан А.Аҳмадуллоев қўрсатган уйга боришди. Бу уйда бошқа одам яшар экан. Шубҳа бадтар ортиб, унинг уйини астойдил қидиришга тушибди.

Охири топишди. Ичкаридан 25 ёшлардаги бир жувон чиқиб келди.

— Аҳборларнинг уйи шуми?

— Аҳборларники эмас, Аҳборларники, — деди жувон. Бироздан кейин Аҳборнинг суратини олиб чиқиб кўрсатди.

— Худди шу! — деди Р.Тўйчиев ҳаяжонланиб. — Исми Аҳбор деб бизни лақиллатган экан-да.

Маълум бўлишча, фибрибгарликни касб қилиб олган А.Аҳмадуллоев анчадан буён уйига қайтмаётган экан. Аслида бу вақтга келиб ҳужж-тартибот органлари ходимлари фибрибгарнинг изидан тушган эдилар. У наватбадга «ҳожатбарорлигини» поёнига етказса олмади. Ойбек исми-ли йилгитни «МХХга ишга жойлаш» учун Тошкентга кетаётганларида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Аброр Аҳмадуллоев Қўқон шаҳар судининг ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Абдуқунуд АБДУРАҲИМОВ, Фаргона виллоят прокуратураси бўлим прокурори.

Холиқназар ЖҲАБОВЕВ, журналист



ДЕМОКРАТИЯ САРИ

Ироқда мамлакатнинг янги конституцияси лойиҳасини қабул қилиш бўйича ўтказилган референдум якунига етди. 6 мингта сайлов участкаларининг барчаси 16 октябр кунини маҳаллий вақт билан соат 17.00 да ёпилди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, референдумда рўйхатга олинган 15,5 миллион сайловчиларнинг 60 фоизи иштирок этган. Таъкидлаш кераки, Ироқ учун бу катта қўрсаткич. Хавфсизлик чоралари қўйилган бўлиб, референдум кунини анча тинч ўтди. Ироқликлар янги конституция лойиҳасини қўллаб-қувватладими, йўқми бунини сайлов натижалари кўрсатади.



воқеалар

хабарлар

шарҳлар

Хитой Халқ Республикаси Россия, АҚШ ва бошқа давлатлар сингари космик соҳада ўз ўрнини топмоқда. Хитой тарихида иккинчи мартаба учирилган космик кема ўтган ҳафта Ички Монголия автоном ҳудудига кўнди. Дастлабки маълумотларга кўра, ер атмосферасига кириш ва кўниш ҳеч бир носозликларсиз амалга оширилган. «Шэнчжоу VI» космик кемаси шу йилнинг 12 октябрида «Цзюньцзянь» космодромидан фазога йўл олган. Кема бортида икки нафар космонавт – Фэй Цзюньлун



ва Не Хайшен бўлган. Ҳозирда космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Хитой космик тадқиқотлар агентлигининг маълумотига кўра, яқин орада бундай тадқиқотлар кўлами янада кенгайтирилади.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА



Кашмирда рўй берган кучли зилзила оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда. Кашмирнинг Покистонга қарашли ҳудуди етакчи партияси раҳбари Сардар Ҳайётхон мазкур жойдаги Ҳиндистон билан чегараларни очиш ва зилзила оқибатларини бирга

ликда бартараф этишга қақирди. Унинг айтишича, бундай қарор икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди ва чегаранинг икки томонидан яшовчи аҳолига қулай имкониятлар яратди. Таъкидлаш кераки, Кашмирда халигача қутқарувчилар етиб бора олмаган жойлар ҳам мавжуд.

Покистон ҳудудига етказилган зарар миқдори катта бўлганлиги сабаб, Ҳиндистон ҳукумати ўз ҳарбийларини қутқарув ишларида қатнашиш учун Покистонга юришнинг тақлиф қилган эди, бироқ Исламобод уни рад этиб, Деҳлидан фақатгина инсонпарварлик ёрдамини қабул қилди, ҳолос. Маълумотларга қараганда, Кашмир тоғларида қутқарув ишларида иштирок этаётган «Ми-17» русумли вертолёт ҳалокатга учраган. Оқибатда вертолёт бортида бўлган 6 нафар ҳарбий ҳалок бўлган.

Суиқасд

Москва шаҳри жанубида жойлашган Шипилов кўчасидаги 23-уйда қучли портлаш рўй берди. Маълумотларда айтилишича, портловчи модда уй подъездларидан бирининг остонасига жойлаштирилган. Портлаш мазкур подъездда яшовчилардан бири подъезд эшигини қаттиқ ёпиб юборганлиги оқибатида рўй берган. Москва шаҳар прокуратураси томонидан шахсга суиқасд моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакилининг айтишича, эшикни қаттиқ ёпиб юборган шахс, Москва шаҳар прокуратураси қотилликларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси экан. Аини дамда терговчилар суиқасд айнан шу терговчига уюштирилганими, йўқми аниқлашмоқда. Портлаш оқибатида ҳеч ким зарар кўрмаган.

ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ



Жаҳон банкининг мутахассислари Мالدовани Европанинг энг камбағал давлати сифатида эътироф этди. Банк мутахассислари томонидан «Собик Иттифок» аъзо бўлган республикалар орасида ўсиш, камбағаллик ва иқтисодий тенгсизлик мавзусидаги нутқда Мالدовада иқтисодийнинг ўсиши пасайганлиги ва камбағалликнинг энг катта кўрсаткичи қузатилганлиги эътироф этилган. Кузатувларга қараганда, 1998 йилгача иқтисодий ўсиш паст бўлсада бир маромда кетган, бироқ Мالدовага қўшни давлатларда рўй берган иқтисодий инқироз кучли таъсир қилди ва 2001 йилга қадар мамлакат иқтисодиётида деярли ўзгариш бўлмади. 2001 йилдан бундан бу ерда секин-аста иқтисодий ривож кузатилди. Лекин банкирларнинг фикрича, аҳвол шу йўсинда давом этса, 2007 йилга келиб мамлакат аҳолисининг ҳар бешинчи фуқароси камбағаллигига қолади. Агар тез орада иқтисодий соҳасида изчил ислохотлар олиб бориладими экан, бу ҳолатнинг давомийлиги янада узаётгани муқаррар.

Ёнғин сабаби

Аргентина пойтахти Буэнос-Айресдан 60 километр жанубда жойлашган «Магдалена» қамоқхонаси ёниб кетди. Ёнғин оқибатида 17 киши ҳалок бўлган, ўнаб маҳкумлар оғир тан жароҳати олган. Полиция вакилининг маълум қилишича, қамоқхонада сақланаётган маҳкумлар ўз қариндошлари билан қўришиш вақтини узайтиришнинг талаб қилиб, камерадаги тушакларни ёқиб юборганлар. Натижада олов тобора авж олиб бошқа хоналарга ҳам ўтиб кетган.

Қайтишга қарши

АҚШнинг Янги Орлеан шаҳри аҳолиси ўз уйларида қайтишдан бош тортмоқда. Жорий йилнинг 30 сентябридан 9 октябргача ўтказилган сўровларда қузатилишича, хавфсиз ҳудудларга қўйрилган аҳолининг ярми ўз она шаҳарларига қайтишга қарши. Тиббиётчиларнинг фикрича, «Катрина» тўғрисида рўй берганидан сўнг Янги Орлеан аҳолиси қучли руҳий инқирозга учраган. Бунинг асоратлари аста-секин йўқ бўлиши мумкин.

Исроилликларнинг янгилиги

Исроилда антиқа бир қамоқхона қурилди. Мазкур қамоқхона маҳбуслари итлардир. Ҳар бир итга содир этган жиноятнинг катта кичиклигига қараб жиноят иши очилади ва суд ҳукми ўқилади. Исроилликларнинг таъкидлашича, бундай чоралар қўрилгани итлар томонидан одамларга жароҳат етказиши ҳолатларининг кескин камайишига олиб келади. Чунки аксарият ҳолларда итларнинг эгалари ўз «арзандали»нинг қилмишлари учун каттагина жарималар тўлашларига тўғри келарди.

Гриппга қарши

Туркия ғарбида парранда гриппининг яна бир ўчоғи аниқланди. Ҳукумат мазкур ҳудудда карантин эълон қилди, маҳаллий аҳолини эмлаш ишлари олиб боришмоқда. Айни дамда Европа Иттифоқи Руминияда ҳам мазкур касаллик тури аниқланганлигидан сўнг, ушбу мамлакатдан Европа Иттифоқи давлатларига парранда гуштини экспорт қилиш ҳуқуқини чегаралаб қўйган. Шунингдек, бундай чекловлар Туркияга ҳам жорий қилинган. Мутахассисларнинг айтишича, парранда гриппи инсон учун ўта хавфли вирусдир. Буюкбритания тиббиётчиларининг фикрича, агарда мазкур вирус тузилишида ўзгаришлар рўй берса, Британиянинг ўзида бу хасталиқдан шу йилнинг қишида 50 минг киши қурбон бўлиши мумкин.



Аёл канцлер

Германия тарихида илк бор давлат канцлери лавозимини аёл киши эгаллади. Мамлакатда ўтказилган сайловларнинг иккинчи bosқини ниятсиз етган, Анхела Меркель бошчилигидаги партия ғолиб чиқди. Германия халқига қилган мурожаатида Меркель ҳоким мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада изчил давом эттириш учун катта куч билан ҳаракат қилишнинг маълум қилди. Янги ҳукумат аъзолари рақиб партия билан биргаликда шакллантирилмоқда. Амалдаги канцлер Герхард Шрёдер эса ўз сайловчиларига миннатдорчилик билдириб, янги тартибдаги ҳукуматда фаолият юритмаслигини, канцлерлик муддатидан сўнг сиёсатдан бутунлай кетишини эълон қилди.

Internet хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Йўлдаги қотиллик

ҳамда «Митсубиси Пажеро» русумли автомобиллар ён томондан келаятган «Ауди А8» русумли автомашинадан ўққа тутилган. Хабарларга кўра, «Мерседес» ичида «Содбизнесбанк» ҳамда «Кредитраст» компанияларининг собиқ раҳбари Александр Слесарёв оиласи билан бўлган. Слесарёв ҳамда унинг рафиқаси воқеа жойида ҳалок бўлган, икки нафар қизи эса оғир тан жароҳатлари билан шифхонага келтирилган. Олинган оғир жароҳатлардан Слесарёвнинг 15 ёшли Елизавета исмли қизи ҳам шифхонада ҳаётдан кўз юмган. «Митсубиси»-да бўлганлар оғир жароҳатлар билан шифхонага келтирилган. Воқеа жойидан бир неча километр нарида ёқиб юборилган «Ауди» автомашинаси ичидан битта «Макаров» ҳамда «Калашников» русумли қурооллар топилиб, Россия ҳуқуқ-тартибот органларининг фикрига кўра, мазкур жиноят Слесарёвнинг банкирлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

SHOHMOT

Янги чемпион аниқланди

15 октябр куни шохмот бўйича Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. ФИДЕ рейтинг жадвалида юқори ўринларни эгаллаб турган энг кучли етти шохмотчи ва амалдаги чемпион иштирокида ўтказилган турнир ишқибозлар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Чунки, жаҳон чемпиони Г.Каспаров ФИДЕдан ажралиб чиқиб, профессионал шохмотчилар ассоциациясини тuzганидан бери шохмот олами гўё икки кутбга бўлиниб қолган, мухлислар бу қадр юқори категорияли турнирнинг гувоҳи бўлмаган эдилар.

Шундай қилиб, мусобақанинг охириги турида ҳамюртимиз Р.Қосимжонов венгриялик П.Лекога қарши қора доналар билан ўйнаб, ютқазиб қўйди. В.Топалов (Болгария) — Ю.Полгар (Венгрия), П.Свидлер (Россия) — В.Ананд (Хиндистон), А.Морозевич (Россия) — М.Адамс (Англия) ўйинларида дуранг қайд этилди.

14 имкониятдан 10 очко тўплаган В.Топалов жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. 8,5 тадан очко тўплаган Ананд ва Свидлер 2- ва 3-ўринларни эгаллади. 4-ўрин Морозевич — 7 очко. 5-ўрин Леко — 6,5 очко. 5,5 тадан очко билан Қосимжонов ва Адамс 6- ва 7-ўринларни



олишди. Полгар 4 очко билан охириги ўринда қолди.

Дарвоқе, турнирда иштирок этишнинг молиявий томонлари ҳақида. ФИДЕ 1-ўрин соҳибини 300.000 АҚШ доллари билан тақдирлади. 2-ўрин эгаси — 200.000, 3-ўрин — 140.000, 4-ўрин — 100.000, 5-ўрин — 80.000, 6-ўрин — 70.000, 7-ўрин — 60.000 ва 8-ўринда қолган шохмотчи 50.000 доллар эгаси бўлишди. Бу миқдор футбол ёки бокс оламида айланаётган пуллар олдида жуда арзimasдай туолса-да, дунё миқёсида шохмот тарғиботида озми-кўпми хизмат қилиши шубҳасиз.

FUTBOL

13 октябр, соат тонгга яқин иккилар чамаси. Ҳозиргина ўйин тугади: Баҳрайн — Ўзбекистон — 0:0. Англиялик хакам Грэм Полнинг ўйин якунлангани ҳақидаги ишораси Ўзбекистонлик мухлислар энди ЖЧ-2010 саралаш ўйинлари бошланишини кутишлари мумкинлигини ҳам англатади. Ташқарида қора тун, худди мухлислар қалби янглиг. Ана, бир неча дақиқагина олдин порлаб турган бир юлдуз ҳам нечундир бирдан сўнди — ғойиб бўлди. У юлдузга миллионлаб инсонлар кўз тиккан эдилар. Уларнинг бошлари эгилди: тиллари бир сўз демоққа ожиз бўлди.

Футбол — гўзал ўйин. Уни баъзан спорт тури дейилса ҳам камситилгандай бўлади. Ахир у — санъат! Фақат бу таърифни севган жамоанг галаба қозонгандагина ишлатсанг ярашар экан. Мағлуб бўлса-чи?..

МАҒЛУБИЯТГА
ТЕНГ ДУРАНГ

Афсуски, бугун барча футбол мухлисларининг дили хира. Аламлиси шуки, жонимиздан ортқ кўрганимиз — миллий терма жамоамиз ютқазмасдан туриб мағлуб бўлди. Рақибимиз — Баҳрайн бизни худди ўтган йилги Осиё чемпионатидагидек мағлубиятга учратмай «мағлуб этди»... Ўйин ҳақида «Фалон минутда фалончи мундай хато қилди, листончи бир вазиятда очик дарвозага қийшқ зарба берди...» қабилида фикр юритмоқчи эмасман. Ўзбекистон дейилса юраги жиз этадиган футбол мухлиси борки, ўша ўйинни телевизорда кўрди. Шундай экан, ўйин тафсилотида тўхталиб ўтиришнинг нима ҳожа-ти бор?..

Одатда, мағлуб томон мағлубият сабабларини бировдан эмас, ўзидан қидириши лозим. Ўзбек футболининг мағлубиятида бу гал кимларнидир айб-лашга юз фоиз ҳаққимиз бўлса-да, ютқазишимизга олиб келган хато-камчиликларимизни тан олиб, мушоҳада юритсак, шу фойдалироқ бўлса керак. Уша чаласавод япония-лиха хакамни, рақибларни, ФИФАни минг бор лаънатлаганимиз билан энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди!

Ўзбекистон терма жамоаси қачон бир муҳим турнир ё матча кўнгилдагидек ҳозирлик кўрганини эсласиз? Ёки охириги марта қачон биронта кучли терма жамоа билан ўртоқлик ўйини ўтказилганини айта оласизми? Айтолмайсиз, чунки бу нарсга яқин йиллар ичида бўлган эмас. Кейинги тўрт-беш йил ичида одатда ҳам айланб қолди: бир ўйин энг муҳим баҳс деб эътифол этилади-ю, унга уч кун қолганда тайёргарлик бошланади. Сабаби — легионерлар масаласи. Ўйланб қолсан: нимага легионерлар масаласи биз билган кучли терма жамоаларда катта муаммо саналмайди? Бизда эса ҳар доим шу муаммо: «Клуби рухсат бермабди, Еврокубокда ўйини бор экан», «ўзи келишни хоҳламабди» ва ҳоказо. Очили, бу каби баҳоналарни эшитиш жонга теги. Еврокубокни деб терма жамоага келишни истамаган футболчиларнинг хизматидан воз қечган маъқулдир балки?

Яна бир камчилик термаимизнинг сафардаги ўйинлари билан боғлиқ. Бунда ким айбдор эканлигини айтиш қийин-у, лекин меҳмондаги деярли ҳеч бир ўйинга Ўзбекистондан футбол ишқибози бормади ва бу ҳам вакилларимизнинг ўйинларига қайсидаир маънода салбий таъсир кўрсатгани аниқ (буни биз Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2006 саралаш ўйинларининг иккинчи босқичида меҳмонда битта ҳам очко ололмаганидан кўрдик).

Шу каби камчиликлар бартараф этилмас ва терма жамоамизнинг бўлажақ ўйинларга тайёргарлик дастурлари жиддий тахрир қилинмас экан, жаҳон туғул, қўтма миқёсидаги мусобақаларга ҳам чиқишимиз тобора мушкуллашиб бораверади. Бу эса биздай бағрикенг, сабр-тоқатли мухлисларнинг ҳам бир кун келиб сабр қосасини тўлдириб юбориши мумкин. Унда ҳам кимга қийин — ўзимизга. Ўзбекистонга мухлислик қилмай бўларканми?..

Элмурод НИШОНОВ



HAJVIYA

Хонага кириб келганимда ҳамхонам Тош Тешаевага беш-олти киши ширага ёпишган асаларидек ёпишганига қўриб, «каким халқаро кўргазмадан қайтибдилар-да» деб, мен ҳам тўдага бориб қўшилдим.

— Кўйини тўлиш сопол идишдаги совуқ сувда қайнатиларкан, — деди Тош ака мен билан бош қимирлатиб кўришаркан, гапини тўхтатмай давом эттирди, — гўшт юмшагач, пиёз, сабзи, қаламлар қўшиб мийтилатиб пишириларкан. Қизиги шундаки, шўрва шопиёлда сузилди, бўғирсоқ билан бирга дастурхонга тортиларкан...

Сўхбат анча олдин бошланганим, кичик муҳаррир Салимжон сабри чидамасди чоғи:

— Тош ака, кўргазмага бошқалар ҳам китоб олиб келган эканми? — деб сўради.

Бемаврид берилган савол Тош акани чалғитди-ёв, Салимжонга бир ўқрайиб қўйди.

— Китоб кўргазмасига албатта китоб олиб келинади-да... Масалан, арман дўстларимизнинг бостирма қабоби тушқикда жуда силлиқ кетди. Гўшт бўлакчаларга бўлиниб, бир идишга солиб тузланади, сўнг пиёз сиркага аралаштириб устига солинади ва салқин ерга қўйилади. Олти соат ўтгач, сирка териб кўмир «ўғида» пиширилади. Дастурхонга пиёз, кашани, петрушка, помидор, қовурилган баклажан билан бирга тортилса, бир бошқача нарсга бўларкан...

Салимжон яна хиралик қилди.

— Китобларнинг бегаги зўр бўлса керак?

Об-бo дегандек Тош ака яна ўқрайди.

— Ҳозир китобни безамасанг ҳеч ким сотиб олмайд. Бегаз дегани ярим китоб. Масалан, молдавлар кўргазманинг иккинчи куни бир шўрва қайнатади, инсанг мазаси оғизда қолади. Улар товук, гўштини қайнатади, шўрвадан чиққан ёғда пиёз билан сабзини қовуриб, унга сирка солиб буглатишаркан. Қуруқ шўрва сувига картошка солиб, яна ўн-ўн беш дақиқа пишириларкан, кейин

қовурилган қўкатлар, озорқ қизартириб қовурилган ун, қалампири ёки мурча ва туз солишаркан. Ишнинг авжига эътибор беринлар, тайёр шўрва бир-икки бўлак пишган гўшт билан қосага сузилгач, бир қошиқ қаймоқ солиниб дастурхонга тортиларкан...

Тоҳик тахририяти мудирин Эсон аканинг дўрилоқ овози янгради.

— О, хай, тоҳик носирларининг ишлари қалай? Улар ҳам китоб олиб борибдими кўргазмага?

— Тоҳикларнинг китобидан кўра қовурдоқлари зўр экан. Хе-хе-хе! — Тош ака силкиниб-силкиниб қулди. — Улар қўй гўштини лаҳи, ёғли жойидан олиб, қизаргунча қовуришаркан, сўнг уни юзороқ идишга томат-пюре қўшиб

— Бизнинг китобларга биров қарандими?..

Тош ака жўшиб кетди.

— Шу сафарги китоб кўргазмасида бир нарсга амин бўлдимки, дунёдаги жами таомлар ўзимизнинг паловнинг олдидадан ўтаверсин экан. Энди бунақа кўргазмаларга бориб юрган эмасманми, кетаётганда Фарнонадан тўрт кило девзира олдирган эдим. Кўргазманинг ёпилиш куни қубикқилиб тўрналган думбаниқозонга солиб обдон эритаётганимда, томоғи бор одам борки, атрофимда тўпланди. Жиззанинг устига пиёзни юкка қилиб тўғраб, газакка тортиб юборган эдим, тамом бўлишди. Халиги ёққа гўшти шилиб олинган сўякни олиб, қизаргунча қовурдим, сўнг паррак-паррак пиёз билан лўнда-лўнда гўштни солдим, орқасидан сомонча-сомонча сабзи, устидан ярим қоса сув қўйдим. Зирвак яхши қовурилгач, зирворларни аралаштириб, яна қайнатдим. Тобиға келган, таппа гуручни босдим. Гуруч суви тортгач, димладим. Ош дамнини егунча, уч-тўрт хил аччиқ-чуққун тайёрлаб, ош билан дастурхонга тортиб юборган эдим, жазза еганлар батамом ёнбошлаб қолишди...

— Шунча ҳаракат бўлибди-ю, бирор оғиз китоб ҳақида гап бўлмабди-да? — дея пичинг аралаш лўкча ташлади кимдир.

Тош ака бўйинини чўзиб, «ким у савол берган» дегандек кўз ташлади. — Мен гапини шунга олиб келяман-ку, ука, бунақа ичинг тор? — деди Тош ака савол эгасини тополмагач, муддаога кўчиб. — Китоб кўргазмасида китоб ҳақида гап бўлмаса, уят-ку ахир. Бизнинг «Миллий таомлар» китоб-албومимиз кўргазмада қолиб деб топилиб, битта ўрин беришди...

— Хайрият, китобга эътибор беришибди-ку!

Бугагини менайтдим. Тош ака эса қўшимча қилди:

— Барибир бизнинг палов бош-

Илҳом ЗОЙИР

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'asischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdusolix ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), **Fozil MAMASHARIPOV**
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), **Lola SHOMURODOVA**

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrningizdan ko'chirib olinganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahmiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 958. 10919 nusxada chop etildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nashriyot muharriri: Z.MAMADALIYEV
Musahhirlari: A. MUSTAFOYEV

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 7 8

Gazeta
haftaning
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda